

Абу Хорис
(?-999)
(997-999)

Сомонийлар амири. Унинг даврида мамлакатда парокандалик, ички низолар (Мансур билан лашкарбошилар ўртасида) ташки хафв (корахонийларнинг хужумлари) кучайган. Айникса, корахонийлар томонига ўтган хоин лашкарбошилардан Фойик саройга нисбатан уюштирган фитналарда фаол катнашади. 999-йилнинг феврилида Фойик турк гуломларига суянган холда Мансурни тахтдан ағдариб, кўзини кўр қилади. Тахтга Мансурнинг укаси Абдумалик ибн Нухни ўтказишди. Бу кучсизланиб қолган сомонийлар сулоласига пайт пойлаб берилган кучли зарба эди. Махмуд Газнавий 999-йилнинг май ойида Мансур учун ўч олиш шиори остида Мовароуннахрга қарши қўшин тортди. У сомонийлар қўшинини тор-мор қилиб катта ўлжалар билан Газнага қайтди. Жанг оқибатида Хуросон Махмуд Газнавий қўлига ўтади. Юзага келган бу вазиятдан корахонийлар ҳукмдори Элик Наср ҳам фойдаланишга ҳаракат қилган. Шу йили Мовароуннахр корахонийлар томонидан эгалланган.